



МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ НАТИЖАДОРЛИГИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 апрель куни маҳаллабай ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Бу вазифалар ижроси кўп жihatдан ҳудудлардаги иқтисодийётга боғлиқ. Шу боис яқинда тадбиркорликни ривожлантириш учун 500 миллион доллар ва 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши белгиланди. Айни пайтда тадбиркорларни энг безовта қилаётган солиқ маъмуричилиги, текширувлар, рухсатномалар тартиби енгиллаштирилди.

Йиғилишда шу ишларни кўйи тизимда ташкил этиб, маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги Фармонида мувофиқ, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилган эди. Бу — янги тизим. Уни тўғри йўлга қўйиб олиш жуда муҳим.

Шу боис йиғилишда ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг дастлабки натижалари кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, улар уч ой давомида 6 мил-

лион 900 минг хонадонни ҳатловдан ўтказиб, 4 та тоифага ажратган. Хонадонларнинг 11 фоизи кам даромадли, 47 фоизи кўшимча даромадга эҳтиёжи бор, 6 фоизи ижтимоий ҳимояга муҳтож, 36 фоизи ўзига тўқ оилалар экани аниқланган. Шунга қараб маҳаллий раҳбарлар фаолияти манзилли ташкил этилиб, минглаб фуқароларнинг ишга жойлашиши, касб-хунар ўрганишига кўмаклашилган.

Шу уч ойда ҳоким ёрдамчиларининг ташаббуси билан 50 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун 1 триллион 300 миллиард сўм кредит ва 20 миллиард сўм субсидия ажратилган. Натижада жойларда 47 мингта янги тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилган, 8 мингта кичик саноат ва сервис лойиҳалари ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбари энг яхши натижа кўрсатган ҳоким ёрдамчиларини муқофотлашга кўрсатма берди.

Лекин ҳали натижа сезилмаётган маҳаллалар кўп. Мисол учун, 450 та маҳаллада ишсизлик даражаси 20 фоиздан юқори.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шундай ҳудудлар кўрсатиб ўтилди ва уларнинг

ҳокимлари огоҳлантирилди. Бир қатор шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, сектор бошлиқлари вазифасидан озод қилинди.

— **Одамларни рози қилмаган, инсон қадрини тушунмаган раҳбарларга орамизда ўрин йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ўрганишлар давомида “қоникарсиз” деб баҳоланган маҳаллалардаги ҳолатни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бунинг учун бюджет харажатларини оптималлаштириш ҳисобидан 800 миллиард сўм ажратилди.

Энди ҳар бир маҳалла ихтисослашуви бўйича қўллаб-қувватлашни таъкидланди.

Мисол учун, 2 минг 500 та маҳалла чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, асаларчиликка ихтисослаштирилган. Улар кўшимча қўллаб-қувватлашиб, омилкор одамларга инкубатор, хонаки товуқ, асалари уялари етказиб берилса, аҳоли даромади янада ошади.

Умуман, хонадонларда чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, асаларчилик йўналишларида 140 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айtilди. Хунармандчилик, тикувчи-

лик, қосибчилик, қандолатчилик каби кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини маҳалланинг ўзида кенгайтириш бўлади. Президентимиз шу мақсадда бундай маҳаллаларда микросаноат марказлари ташкил этиш ташаббусини маъқуллади.

Жорий йилда бу мақсадларга 500 миллиард сўм йўналтирилиши, ушбу марказлар 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши белгиланди.

Шунингдек, жойларда аниқланган бўш бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш, уларни сотиш ёки ижарага беришдан тушган маблағларни ўша маҳалланинг инфратузилмасини ривожлантиришга сарфлаш зарурлиги қайд этилди.

Хотин-қизлар ва ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлашда қўлай йўналиш бу — касаначилик. Шу мақсадда Ўзбекистон Президентининг касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қарори имзоланди.

Энди касаначилар билан ишлайдиган тадбиркорларга оилавий тадбиркорлик дастуридан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Кредитлар бўйича Тадбиркорлик жамгар-

масидан 75 фоизлик кафиллик берилди ҳамда фоиз харажатларининг 10 фоиздан юқори қисми қоплаб берилди.

Шунингдек, касаначиларга ўзини ўзи банд қилган фуқаролар каби фақат ижтимоий солиқ тўлаш имконияти яратилди, олис ҳудудда ишлаётган касаначиларнинг дастлабки 1 ойлик иш ҳақи давлат томонидан қопланади.

Вилоят ҳокимларига ушбу имкониятлардан фойдаланиб, эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўртимизда 2 мингдан зиёд маҳаллалар хизматлар соҳасига ихтисослаштирилган. Бундай ҳудудларни кўпайтириш мақсадида аҳолиси 20 мингдан ошадиган маҳаллаларда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бу марказлар ҳам 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар, уларнинг ёрдамчилари маҳаллабай ишлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш режалари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳудудларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ташаббусларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш учун тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 300 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки: кредит линияси тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имттиёзли давр билан йиллик 10 фоиз ставкада миллий валютада ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (бундан қурилиш, савдо, воситачилик соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталда) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ҳамда айланма маблағларни тўлдириш ҳолатлари мустасно) учун йиллик 14 фоиз ставкада, 5 йилгача муддатга, шу жумладан, 2 йилгача бўлган имттиёзли давр билан 5 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

тадбиркорлик субъектларининг фаолият даври 6 ойгача бўлганда 1 миллиард сўмгача, 6 ойдан 1 йилгача бўлганда 2 миллиард сўмгача, 1 йилдан 2 йилгача бўлганда 3 миллиард сўмгача, 2 йилдан 3 йилгача бўлганда 4 миллиард сўмгача ва 3 йилдан ошганда 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилади;

кредит линияси маблағларининг камиди 70 фоизи Нукус шаҳридан, вилоятларнинг маъмурий марказларидан ва вилоят бўйсунувида бўлган шаҳарлардан ташқари ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга ажратилади.

3. Мазкур қарор доирасида ажратилган кредит линиясидан самарали фойдаланилишини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков томонидан амалга оширилади ва унга қуйидаги вазифалар юклатилади:

кредит маблағларига талаб ва лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилганидан келиб чиқиб, кредит линияси ресурсларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) ва тижорат банклари қисмида тақсимлаш;

лойиҳа фабрикалари ва лойиҳа гуруҳлари томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларнинг сифатли ва қисқа муддатларда ишлаб чиқирилишини таъминлаш; тадбиркорлик субъектлари ҳамда тижорат банклари томонидан кредит линияси маблағлари самарали ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли мониторинг ишларини ташкил этиш;

вазирлик, идора ва ҳудуд раҳбарларининг кредит маблағларини ўзлаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш ва белгиланган муддатда ишга тушириш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш.Вафоев) ресурслар ҳудудлар ва тижорат банклари қисмидаги тақсимотга мувофиқ тижорат банкларининг талабномаси келиб тушгандан сўнг уч кунлик муддатда тижорат банкларига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Тижорат банклари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратаётган маблағларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ҳамда назорат қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маъжмасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 апрель

Семинар

МАҲАЛЛАЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни методик қўллаб-қувватлаш, депутатларнинг амалий кўникмаси ва малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этиш аънъанаси айрилиб бормоқда.

Кеча парламент юқори палатасида онлайн тарзда ўтказилган ўқув-семинар ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тегишли доимий комиссиялари раислари, котибият мутахассислари, маҳаллий ҳокимликлар юридик хизмат вакиллари қатнашди.

Семинарда бир қатор долзарб масалалар ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятида қонунийликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш ма-

саласи ана шулар жумласидандир.

Мазкур масала юзасидан Адлия вазирлиги вакили атрофлик ахборот берди. Бу иштирокчиларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норма ижодкорлиги фаолияти бўйича қонун ҳужжатларидаги янгиликлардан хабардор қилишда қўл келди.

Қолаверса, тадбирда маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш борасида йўл қўйлаётган камчиликлар айтилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА МАСАЛАЛАР ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда суд, кадастр, солиқ ҳамда бошқа муҳим соҳаларни янада такомиллаштириш, улар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Ахборотлар тўғрисида-тўғри тақдим этиб борилди

Мажлисида “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда мод-

дама-модда муҳима қилинди. Ушбу ҳужжатда соҳани янада такомиллаштириш, маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлаш масалалари ўз аксини топмоқда. Хусусан, лойиҳа билан “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.



ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Охириги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш динамикаси барқарорлашди. Бу, табиийки, аҳоли турмуш даражасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Одамларимизнинг тўлов, харид қилиш, умуман, молиявий аҳоли яхшиланмоқда. Бошқа томондан бу омиллар электр энергияси истеъмолнинг муттасил ортишига сабаб бўляпти. Яъни 2030 йилгача мамлакатда электр энергиясига бўлган талаб



йилига тахминан 6-7 фоиз ўсиши башорат қилинган. Бирок яқин-яқингача Ўзбекистон бундай сценарийга тайёр эмасдек туюларди. Чунки мавжуд қувватлар ички эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини бермасди. Тезкор чоралар кўриямаса, келгусида энергия тақчиллиги муаммоси юзага келиши мумкин. Шунинг учун мамлакатимиз халқаро ҳамкорлар билан биргаликда муқобил энергия станцияларини қуришига катта эътибор қаратяпти.

Нуктаи назар

Форумда қўйилган пойдевор

Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида муҳим воқеа — Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида янги иссиқлик электр станцияси қурилиши бошланганига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа натижасида 1 минг 560 мегаватт қувват яратилади, йилига 12 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб

чиқарилади. Лойиҳа доирасида энг замонавий технологиялар ўрнатилиб, йилига 1 миллиард куб метр табиий газ тежалани. Мажмуа Сурхондарёдаги биринчи, охириги йилларда юртимизда бар-по этиладиган энг йирик иссиқлик электр станцияси бўлади. Бу ҳудуднинг чексиз иқтисодий салоҳиятини рўйбга чиқаришга катта имкониятлар яратяпти.

Масалан, Сурхондарё ҳудуди нефть, газ, кўмир, қимматбаҳо ва рангли металллар, кўп турдаги безак тошлар каби 100 дан ортиқ конларга эга бўлса-да, улар етарли даражада ўзлаштирилма-



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



ҚИЗИЛҚУМ БАҲОРИ

Қизилқумга кўклам яна ўз сөгини ёйиб, чор-атроф ажиб бир гўзалликка бурканган. Даракчи гуллар баҳорий эпкинлардан майин тебраниб, офтобнинг хийла тафтсиз нурларидан тусланганча пойандоз бўлибди.

Инсон ҳарчанд уринмасин, чўлда бундайин хушманзарани атай яратиши мушкул. Бу — шу кумликларга меҳр қўйиб Ватан билган, шу ерларда меҳнат қилиб, саратонининг ҳазирамасио қишининг рутубатини назарига илмаган кишилар — чўпону чўлиқлар ва уларнинг оила аъзоларига она табиатнинг ҳар йилги кўклам совғасидир. Ва табиатгина улар қалбига

сабр-қаноат, шу тупроқни, шу юртни борича севиш, ота-боболари касбини улуглаш ҳиссини жойлашга қодир...

Қизилқум кенгликларидан Навоий вилояти аҳолисининг ўндан бир қисми истиқомат қилади. Чўл эса вилоят ҳудудининг катта қисмининг эгаллаган.

Иқлими ўта континенталь — саратонда иссиқ эллик даражадан

муавий вазифаларни белгиланган эди. Мутасаддиларга ҳудудда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари — йўл, транспорт коммуникацияси, алоқа тармоғи, энергетика ва бошқа ҳаётий эҳтиёжлари таъминотини доимий назоратга олиш топшириқлари берилганди.

Шу асосда бугун Учқудуқ туманида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар изчиллик билан бартараф этилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, тебиий хизмат сифатини яхшилаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари қамровини кенгайтириш ҳамда

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли тадбирлар амалга оширилмоқда. — Шундай даврлар бўлдики, овуларимизда йигирма йил ичида бирор-бир иморат тикланганини эслаб олмайман, — дейди учқудуқлик оқсоқол Абдулла Керимбоев. — Бузилса-бузилдики, бир гишт қўйилган эмас. Мана, бугун қаранг, бир овулда йигирма-йигирма беш ташкилот ишляпти. Ҳар қарич ер ободонлаштириляпти. Буларнинг бариси Президентимиз ташрифининг шарофати билан бўлмоқда.



Сенат кўмитасида

БИРИНЧИ ЧОРАҚДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ЎСИШИ ТАЪМИНЛАНГАН



Маҳкамаси ҳисоботи ва "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг биринчи чорақдаги ижроси бўйича Вазирлар

Таъкидланганидек, Давлат дастури ижроси юзасидан шу йилнинг I чорағида 59 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Муҳими, бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар юзасидан ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,8 фоизни, шундан ЯИМ таркибида sanoat — 5,7 фоиз, хизматлар — 6,9 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги маҳсулотлари 2,8 фоизни ташкил қилган.

Давлат бюджети даромадлари 41,9 трлн. сўмга ижро этилиб, Давлат бюджетининг жами харажатлари 42,9 трлн. сўмни ташкил қилган. Ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 23,5 трлн. сўм бўлгани ҳолда, амалга оширилган жами харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 25,4 фоиз ошган. Жорий йил январь — март ойларида жами қиймати 2 миллиард 448 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, прогноз кўрсаткичи 167 фоизга бажарилган.

Кўми таъминоти кун тартибидаги навбатдаги масала — "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан Вазирлар Маҳкамасининг почта алоқаси соҳасидаги ваколатлари белги-ланмоқда.

Почта алоқасининг хавфсизлиги почта алоқаси сирини ҳимоя қилишга, почта ва курьерлик жўнатмаларининг, почта алоқаси воситаларининг бут сақланганини таъминлашга қаратилган, қонунчиликда белгиланган тадбирлар мажмуидан иборатлиги назарда тутилмоқда.

Почта алоқаси фойдаланувчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда. Хусусан, пул маблағлари ўтказ-маларини почта манзили бўйича ёки йўқлаб олиш тарзида олиш ҳуқуқи кўзда тутилган бўлса, таққиланган моддалар ва предметлар жўнатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлари бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик ўнун фойдаланувчиларга etkazилган зарарларнинг ўрнини қонунчи-ликка мувофиқ қоплаши мустаҳкам-ланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши почта алоқаси соҳасидаги тадбиркорликни ривож-лантиришдаги кераксиз бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ишбилармон-лик муҳитини яхшилаш, қўшимча иш ўрин-ларини яратиш имконини беради.

Кўми таъминоти кун тартибидаги навбатдаги масала — "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан Вазирлар Маҳкамасининг почта алоқаси соҳасидаги ваколатлари белги-ланмоқда.

"Халқ сўзи".

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ АМАЛИЙ КўНИКМА ВА МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

Ўз навбатида, 2021 йил 1 июлдан жорий этилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими — "E-qaqog"нинг имкониятлари ва қулайликлари ҳақида батафсил ахборот берилди.

"E-qaqog" электрон тизими жорий этилиши бугунги кунда қарорларнинг қонунчилик асосида қабул қилинишига, уларни ишлаб чиқишда инсон омили ва аралашуви камайишига, аҳолининг қарорлар билан доимий танишиши имконияти яратилишига ва шаффофлик таъминлинишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, семинарда 2022 йилнинг биринчи чорағида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни натижалари, ғолиб лойиҳаларни амалга ошириш учун молиялаштириш масалалари юзасидан Молия вазирлиги вакили ахбороти тингланди.

Маълумки, 2021 йилда Молия вазирлиги томонидан "Очиқ бюджет" (openbudget.uz) платформаси ишга туширилган бўлиб, ушбу платформада "Ташаббусли бюджет" фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

"Ташаббусли бюджет" орқали бугунги кунда кенг жамоатчилик ўзлари яшаб турган ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш бўйича лойиҳаларни тақлиф қилиб, маҳаллий бюджетнинг тақсимлинишида бевосита қатнашиб келмоқда.

Семинарда қайд этилишича, 2022 йилнинг биринчи чорағида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёни натижалари бўйича фуқаролар томонидан илгари сурилган 2 минг 215 та лойиҳа ғолиб деб топилди, уларни амалга ошириш учун жами 1,1 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, жараёнда ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 85,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ушбу тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши, ижро этилиши, албатта, изчил депутатлик назоратини олиб бориши тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгаш депутатларига шу юзасидан зарур тавсиялар берилди.

"Ташаббусли бюджет" тизими фуқароларни бюджет жараёнига жалб этиш орқали жойларда аҳолини қийнаб келаятган турли муаммоларнинг ечимини топишга бевосита хизмат қилмоқда.

Ўқув-семинарда маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибият вакиллари ҳам сўз олиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

"Халқ сўзи".

ДОЛЗАРЪ АҲАМИЯТГА ЭГА МАСАЛАЛАР ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Кадастр агентлиги Миллий географик ахборот тизимини юритиш соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланиши, давлат кадастрларининг ягона тизими Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизими шакллантирилиши, давлат кадастрлари маълумотлари ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши ва бошқа нормалар ўз ифодасини топган.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда Миллий географик ахборот тизимини яратиш ва юритиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмади. Лойиҳада Миллий географик ахборот тизими техник ва дастурий воситалар, ахборот ресурслари, метамалумотлар базалари ҳамда фазовий маълумотлар сервисларидан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда.

Халқ вакиллари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида мамлакатимиз ва айрим ҳудудлар табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона ҳисоб-китоби юритилиши, соҳадаги ахборот тизимлари, уларда сақланадиган, юритиладиган маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Қолаверса, лойиҳани тақомиллаштиришда қонунни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, айрим тахририй тузатишлар киритилган ҳолда, амалдаги қонун нормаларига мослаштирилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Суд мажлисларида масофадан туриб қатнашиш имконияти

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш жараёнида жадаллик билан олиб борилапти.

Мазкур тизимдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ишлаб чиқилган "Судлар фаолиятининг рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси парламент кўйи палатасининг навбатдаги мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунчилигини тақомиллаштириш мақсадида Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан суд иши бўйича тарафларни суд мажлиси ҳақида "SMS" орқали хабардор қилишнинг процессуал асоси белгила-ниб, судга берилган муражаатнинг ҳолатини он-лайн кузатиб туриш имконияти суд иши бўйича тарафларнинг процессуал ҳуқуқи сифатида мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, суд мажлисларида суд биносига келмасдан масофадан туриб мобиль видеоконференцалоқа режимида иштирок этишнинг процессуал асоси ва тартиби белги-ланяпти.

Халқ вакиллари қонун лойиҳасини таъкидлашча, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишга, уларнинг ортқича сарф-харажатларини тежашга, мамлакатимиз-нинг халқаро рейтинглардаги нуфузини кўтариш-га хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Лойиҳада янги нормалар акс этмоқда

Халқ вакиллари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўз-гартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 4 августдаги "Аудиторларни сертифицилаштириш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг 8-банди ижросини таъминлаш мақ-

садида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатда бир қатор янгиликлар ўз ифодасини топган.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамият-лар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг 46-моддасидан мажбурий аудиторлик тек-ширувдан ўтказиш мезонини белгилаш нуқтаи назаридан нормани чиқариб ташлаш тақлиф қилинмоқда.

Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти соҳасидаги қонунчи-лик талабларига риоя этилаётгани юзасидан "Аудит" дастурий мажмуаси орқали масофавий мониторинг олиб бориш, ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятни ифодаловчи сифат мезонлари асо-сида ҳар йили мажбурий аудиторлик текширув-дан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар рўйхатини шакллантириш назарда тутиляпти.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида тақлиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар охириги йил-ларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лардан келиб чиқадиган нормаларни ҳисобга ол-ган ҳолда аудиторлик фаолияти соҳасини нор-матив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имко-нини беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Солиқ имтиёзлари бериш кўзда тутилмоқда

Мажлисда, шунингдек, "Ўзбекистон Респу-бликасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси би-ринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан электрон тижорат иш-тирокчиларига, уларнинг миллий реестрига ки-ритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, фойда солиғи ҳамда айланмадан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар берилиши, янги барпо этилаётган боғлар, тоқорлар ва тузторлар эгаллаган ерларга юридик шахслардан олинди-ган ер солиғи бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилиши белгиланаётир.

Шунингдек, болалиқда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгилан-ган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқ-дорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оши-рилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, 2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда Қорақалпо-ғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги ма-ҳаллий sanoat, қишлоқ ҳўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектларига фой-да солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижти-моий солиқ ва жисмоний шахслардан олинди-ган даромад солиғини 1 фоиз миқдорда тўлаш ҳамда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ре-сурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставка-ларини мазкур солиқ ставкалари бўйича ҳисоб-ланган суммадан 1 фоиз миқдорда тўлаш шак-лидаги имтиёзлар бериш кўзда тутиляпти.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концеп-туал жиҳатдан қабул қилинди.

Ерга бўлган муносабатларда янги қоидалар ўрнатилади

Ер — бебаҳо ҳазина. Унга бўлган муносабат-ларда буткул янгича тартиб-таомиллар ўр-натилляпти. Хусусан, мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойда-ланги ҳуқуқлари билан ер ажратиш каби бозор иқтисодиёти таомилларига мос бўлмаган амалиётлар тугатилди.

Депутатлар "Қишлоқ ҳўжалигига мўлжаллан-ган ер участкаларини ижарага бериш тартиби соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбеки-стон Республикасининг Ер кодексига ўзгартиш-лар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини би-ринчи ўқишда кўриб чиқди.

Лойиҳа билан Ер кодексининг айрим модда-ларига ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, ви-лоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бе-риш бўйича очiq электрон танлов ақунларини тасдиқлаш, ер участкаларини тўғридан-тўғри ижа-рага бериш, очiq электрон танлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан жисмо-ний ҳамда юридик шахсларга ер участкаларини ижарага бериш ваколатлари бекор қилиняпти.

Мажлисда депутатларнинг фикр-мулоҳазала-ридан кейин қонун лойиҳаси қабул қилинди.

"Халқ сўзи".

Ўрганиш

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси Сурхондарёда давлат идоралари томонидан олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ҳолатини ўрганди.

СУРХОНДАРЁДА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАР ТАРҒИБОТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ?

Маълум бўлишича, 2021 йилда вилоят адлия бошқармаси ва ту-ман бўлимлари томонидан қонун-лар, Президент Фармон ва қарор-лари, вазирлик ҳамда идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини аҳолига etkazиш ва тушунтириш бо-расида бир қатор ишлар амалга оширилган. Яъни йил давомида 26 минг 656 та тарғибот тадбири ўтказилган.

Қонунчиликдаги муҳим янгиликлар-ни аҳолига etkazиш мақсадида 83 мингдан зиёд нусхада плакат, бук-лет ва флаерлар тарқатилган. Элек-трон оммавий ахборот воситаларида 16 мингдан зиёд тарғибот матери-аллари жойлаштирилган.

Шулардан келиб чиқиб, 9 та дав-лат органи ва ташкилот фаолияти на-мунали, 16 таси қоникарли ҳамда қол-ган 5 тасининг фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Вилоятдаги 30 га яқин давлат идоралари ва ташкилотларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги фаолияти таҳлил қилинди.

Унга қўра, вилоятдаги давлат органлари ва муассасалари томони-дан ўтган йилда жами 27 минг 113 та тарғибот тадбири ўтказилиб, омма-вий ахборот воситаларида 7 минг 692 та чиқиш қилинган, 17 минг 808 та озгача ҳуқуқий тарғибот тад-бири амалга оширилган.

Шулардан келиб чиқиб, 9 та дав-лат органи ва ташкилот фаолияти на-мунали, 16 таси қоникарли ҳамда қол-ган 5 тасининг фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Ўрганиш давомида аниқланган шу ва бошқа камчиликларнинг аксария-ти жойида бартараф этилиб, қони-қарсиз деб топилган ҳудудий давлат идоралари ва ташкилотларига тегиш-ли кўрсатмалар берилди.

"Халқ сўзи".

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ Йўлидаги ЭЗГУ ДАСТУР

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, фаровон турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу орқали ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришиш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Гендер тенглик

Айниқса, сўнгги беш йилда гендер тенгликни таъминлаш-нинг қонунчилик ва институцио-нал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди. Биргина 2021 йилда 2030 йил-га қадар мўлжалланган Ўзбе-кистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилиниши давлатимизда гендер сиёсатини ривожланти-ришда муҳим босқич бўлди.

Чунки ушбу ҳужжатда бош-қарувда хотин-қизлар сонини кўпайтириш, гендер номуთან-осиблигини камайтириш, таълим олишга имконият яратиш, хотин-қизларга нисбатан зўра-вонлик ва таъйиққа қарши ку-рашиш назарда тутилган.

Шунингдек, хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш, қизларимизни олий таълим билан қамраб олиш даража-сини ошириш, уларни раҳбар-лик лавозимларига (жумладан, вақтинчалик квота тизими ор-қали) кўтариш, кам таъминлан-ган ва ижтимоий ҳимояга муҳ-тож аёлларни қўллаб-қувват-

лашдек мақсадлар акс этти-рилган.

Мамлакатимизда опа-син-гилларимизга қаратилган юксак эътибор тўғрисида улар бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳасида фаол қатна-шиб, элу юрт тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларга оид давлат сиёсати-нинг ҳаётга изчиллик билан тат-биқ этилаётгани бу борадаги ислохотлар қўламини янада кен-гайтираётир.

Шу йил 1 март куни ўтка-зилган видеоселектор йиғили-шида хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар белгиланди. Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга ошириш мақ-садида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди, Оила ва хотин-қизлар давлат кўми-таси ташкил этилгани оқилона қарор бўлди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисларининг хо-тин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам кўми та-

зимига ўтказилди. Ҳар бир ма-ҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилин-ди. Бу орқали опа-сингиллари-мизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шу-ғулланадиган самарали тизим яратилгани эътиборга молик.

Мазкур ислохотлар кўзлан-ган марранинг бир қисми, хо-лос. Ушбу эзгу мақсадлар Та-раққиёт стратегиясининг ҳам муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда хотин-қизларни қўллаб-қувват-лаш, уларнинг жамият ҳаёти-даги фаол иштирокини таъ-минлаш, гендер тенглик, банд-лик, таълим ва касбий кўник-маларга эга бўлиш каби ма-салаларга алоҳида ургу бе-рилган. Зотан, Тараққиёт стра-тегияси хотин-қизларимизнинг манфаати йўлидаги эзгу дастур, десак, муболага бўлмайди.

Қисқаса, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлақати-мизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар нати-жасида ҳар бир соҳада аёллар фаоллиги ортиб, уларнинг жа-мият ҳаётинида иштироки йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, келгусида ҳам бун-дай эзгу ишлар изчил давом эттирилади.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон минтақавий IT-марказга айланиши лозим

Тан олиш керак, бугун ахборот технологиялари иштирок этмаган бирор-бир соҳа қолмади. Чунки у тезкорлик, аниқлик ва замонавийлик нуқтаи назаридан соҳалар ривож учун қулайликлар яратмоқда. Хорижий компаниялар билан алоқалар, импорт-экспорт операциялари ҳамда товар айирбошлаш, маҳсулотни танлаш, etkazиш ёки бозорни ўрганиш дейсизми, ҳуллас, ахборот технологияларисиз бирорта юмушни уздабл бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу соҳа ривожига катта эътибор қаратилмоқда.

Фикр

Шу йил 14 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида ахборот техноло-гиялари соҳасидаги натижалар ва жор-ий йилги вазифалар муҳокамаси юза-сидан ўтказилган йиғилишда ҳам сўнгги йилларда бу соҳада инфрату-

зилмани яхшилаш, малакали мутахас-сислар тайёрлаш бўйича хизматлар сифати ва қўлами сезиларли ошгани таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, аҳоли масканларини мо-биль интернет билан қамраб олиш да-ражаси 2017 йилда 30 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 96 фоизни таш-кил этмоқда. Ёки 2017 йилда соҳадаги

экспорт ҳажми бор-йўғи 600 минг дол-лар бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 46 миллион долларга, жорий йилнинг биринчи чорағида эса 16 мил-лион долларга етгани алоҳида эъти-роф этилди. IT-паркларда 11 минг на-фардан зиёд ёшлар ишлаётгани, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доираси-да ўқиб чиққан ёшлар соҳа келажиги учун мустаҳкам пойдевор яратаётгани мамнуният билан қайд этилди. Аммо бу ютуқлар баробарида, соҳада хали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам жуда кўп.

Айтилик, ҳудудларда оптик тола-ли интернет қамрови ва тезлиги бу-гунги талабга жавоб бермайди. Ма-гистраль автомобиль йўлларининг атиги 38 фоизи мобиль интернет бил-ан қамраб олинган. Соҳанинг ривож-ланиш ҳолати ҳудудлар кесимида бир

маромда эмас — IT-хизматларнинг 90 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри ке-лади. Қорақалпоғистон, Андижон ва Сурхондарёда бу борадаги кўрсаткич-лар жуда паст.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда ай-тар экан, эндиликда барча тармоқ ва ҳудудларда рақамлаштиришни жадал-лаштириш зарурлигини таъкидлади. Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлан-тириш, IT-хизматларни 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга etkazиш мақсади белгилан-ганини алоҳида эслатиб ўтди. Бунинг учун Ўзбекистонни минтақавий IT-мар-казга айлантириш кераклигини таъкид-лади.

Бу ҳақда фикр юритганда, шуни айтиш жоизки, IT-паркларга кўпроқ компанияларни жалб қилиш, масо-

фавий хизматлар марказлари таш-кил этиш орқали яна 5 мингдан зиёд ёшларни юқори даромадли ишга жалб қилиш имконияти мавжуд. Бу-нинг учун "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастуридаги лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш талаб этилади. Бу борада жорий йил ақунига қадар 404 та худудий ва 133 та тармоқ лойи

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ



Электр ишлаб чиқаришда илк бор хусусий сектор иштироки учун кенг имкониятлар очилди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати минг мегаваттдан зиёд бўлган 5 та электр станцияси давлат-хусусий шериклик асосида ишга туширилди. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Хозирги кунда мамлакатимизда қуввати 9 минг МВт бўлган яна 19 та электр станцияси барпо этилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд.

Стратегияда белгиланган вазифалар

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатимизнинг "энергетика инқилоби" ҳақида сўз боради. Яъни 2026 йилга бориб Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қуввати 8000 МВтга етказилади. Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга муювофик, умумий қуввати 4000 МВт бўлган 8 та шамол электр станцияси қурилади. Жумладан, 2023-2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 1600 МВт бўлган 4 та ҳамда 2025-2026 йилларда республика бўйлаб умумий қуввати 2400 МВт бўлган 4 та шамол электр станцияси ишга туширилади. Шу билан бирга, умумий қуввати 4000 МВт бўлган қуёш фото-электр станциялари фойдаланишга топширилади. Жумладан, 2023 йилда Навоий, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 1100 МВт бўлган 4 та,

2024 йилда Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида умумий қуввати 900 МВт бўлган 5 та ҳамда 2025-2026 йилларда республика бўйлаб жами қуввати 1800 МВт бўлган қуёш фото-электр станциялари фаолияти бошланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини бошқариш тизими ҳам ривожлантирилади. Энергетиканинг ҳам аънавий, ҳам мубоқил турларини ривожлантириш Ўзбекистон учун ягона тўғри йўл ҳисобланади. Бусиз тизимдаги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Соҳада яқин истиқболда қилинадиган ишлар ҳамда эришилиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлар 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг электр энергияси билан таъминлаш концепциясида аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу стратегия ҳужжат юртимизда энергия тақчиллиги қандай бартараф этилади, деган саволга жавоб беради. Концепцияда 2030 йилга қадар мамлакат электр энергия генерациясида қайта тикланувчи энергия манбалари (КТЭМ)нинг улушини 11 фоиздан ошириш кўзда тутилган. Шундан 5 фоизи қуёш, 3 фоизи шамол ҳамда 3,8 фоизи гидроэнергетика ҳиссасига тўғри келиши керак. Бу вазифалар босқичма-босқич бажариляпти.

Утган йили Навоий вилоятида биринчи фотозеллектр станцияси ишга туширилди. За-рафшонда илк шамол генератори қурила бошланди. Бир вақтинг ўзида гидроэнергетикани ривожлантиришга доир лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Давлатимиз "яшил энергетика"га катта умид болаган. Мазкур тармоққа нуфузли хорижий инвестициялар пакети йўналтириляпти. Демак, келгусида қайта тикланувчи энергия манбалари Ўзбекистон энергетикасида юқори позицияни эгаллаши тўғрисида ҳақиқатан ҳам ишга туширилади. Хозир улар энергия генерациясининг салкам 90 фоизини таъминла-

япти. 2030 йилгача бу рақамни 60 фоизга тушириш режалаштирилган. Шунга қарамай, баъзи ҳудудларда янги ИЭС барпо этилмоқда. Чунки бу — объектив зурурат. Масалан, Утган йили Фарғона водийсида Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси фойдаланишга топширилди. Тўғри, унда қимматбахо хом ашё — табиий газ ёқилиб, энергия ишлаб чиқарилади. Бирок мазкур объект қанчадан-қанча одамлар ҳамда тадбиркорларнинг оғирини енгил қилаётгани аниқ ҳақиқат. 2016 йилда аҳоли ҳамда бизнес вакиллари энергия таъминотидаги доимий узлишларни биринчи даражали муаммо сифатида кўрсатарди. Кўпгина туманларда қишки пайтда электр энергияси суткасига қўпи билан 4 соатта бериларди. 2021 йилнинг ёзида қўриқдаги муаммо деярли тилга олинган йўқ. Чунки энди уларнинг уйдаги қишлоқ олдидингидек 20 соатлаб ўчмайди. Пропорция тескари томонга ўзгарган. Тўрақўрғон ИЭС-нинг шарофати билан, албатта.

Навбатдаги иккита иссиқлик электр станциясини Сирдарё вилоятида қуриш режалаштирилган. Ушбу инвестиция лойиҳалари ҳам мамлакатда энергия тақчиллигини камайтиришга хизмат қилади. Кўриниб турганидек, Ўзбекистонда бир вақтинг ўзида ҳам аънавий (иссиқлик ва гидроэлектр станциялари), ҳам мубоқил (қуёш, шамол) электр энергия қувватларини яратиш, янгилаш ҳамда ривожлантириш ишлари изчил олиб борилаётган. Қолаверса, яқин истиқболда мамлакат энергомиксида атом энергетикасига ҳам ўрин ажратилади.

Хар хижатдан афзал

Ўзбекистонда электр энергияси тақчиллиги, электр тармоқларидаги доимий узлишлар ҳақида 2000-йиллардан бери урла бошланди. Мазкур жараён ниҳоятда секин ва тарқоқ ҳолда давом этиб, аксарият лойиҳалар, фикр-мулоҳазалар қўғозда қолиб кетаверди. Сабаби, узоқ вақтгача Ўзбекистонда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ жиддий муаммолар борлиги, улар кенг қулоч ёзгани, янада аянчлиси, индустриал ривожланиш ҳамда иқти-

содий ўсишимизга тўққинчи қилаётгани юқори доирада очикча-сига айтилмади. Муаммони тан олиш учун, аввало, сиёсий ирода керак эди. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланган вазиёт тубдан ўзгарди. Мамлакат электр энергия тақчиллиги шароитида яшайётгани давлат даражасида тан олинди. Энергетика соҳасини модернизациялашга доир яқин дастур ишлаб чиқишга киришилди. Ниҳоят, 2019 йилда юқорида тилга олинган концепция қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда энергия таъминоти манбаларини диверсификациялаш сиёсатининг тамал тошини қўйиб берди, дейиш мумкин.

Яна бир хижат. Қуёш ва шамол генерациясига ўтиш тегишли инфратузилмани яратишдан бошланади. Бу эса ҳазилакам иш эмас. "Яшил энергетика" жуда қиммат соҳа. 2017 йилгача Ўзбекистон хозиргидек дунёга очик мамлакат бўлмаган. Иқтисодиёт тармоқлари давлат томонидан қаттиқ назорат қилинарди. Бундай шароитда йирик инфратузилмавий лойиҳалар учун хорижий ҳамкорларни жалб этиш, уларга қулай шартлар тақлиф қилиш мушкул эди. Инвесторлар биз билан ишлашдан чўчиган. Эндликда давлатнинг ўзи қайта тикланувчи энергия манбаларига маблағ тикаётган тадбиркорларни рағбатлантиришга. Ўзбекистонда фото ва гидроэлектр станциялари, шамол генераторларини қуриш учун солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Бежиз эмаски, мазкур йўналишда эълон қилинаётган тендер танловларида доим ўйлаб хорижий компаниялар иштирок этиш истагини билдиради.

Хозир ҳатто уй ҳўжалиқларига ўз эҳтиёжи учун кичик гидроэлектр станциялари қуришга рухсат берилди. Бу борадаги яна бир инқилобий қарор шуки, фуқаролар шахсий минн ГЭСида ортиқча ишлаб чиқилган электр энергияни манфаатдор корхона ва ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузган ҳолда сотиши мумкин. Демак, аҳолига узлуқсиз энергия таъминоти қафолатланиб-гина қолмай, бундан даромад олиш имконияти ҳам яратилмоқда.



Барқарор ривожланиш қафолати

Атом энергетикаси дунё электр энергетикасида учинчи ўринни эгаллайди. Хавфсизлик, экология, иқтисодий самара ва ижтимоий омил — шу тўртта хижат атом энергетикасининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасига старт берилди. Бу лойиҳани амалга ошириш зарур. Бу иқтисодиётга катта фойда келтириши ҳам рабарда табиий ресурслар тежаллишига ҳам хизмат қилади. Айтиш жоизки, шу пайтгача дунёдаги биронта давлат энергиянинг муайян туригагина ишониб қолган эмас. Худди шу қаби ҳеч қайси мамлакат бор-будини фақат қайта тикланувчи энергия ресурсларига тикиб ҳам юрбормади. Ўзбекистон учун қуёш, шамол, гидроэнергия манбалари, иссиқлик электр станциялари қанчалик зарур бўлса, атом энергетикаси ҳам шу қадар аҳамиятлидир.

Электр энергияси манбаларини диверсификациялаш вазиётдан чиқишга ёрдам беради. Ўзбекистонда йирик ГЭСлар қуриш

Демак, Президентимиз ташаббуси билан энергетика соҳасида давом этаётган ислохотлар аҳолини ва тадбиркорлик субъектларини узлуқсиз электр қуввати билан таъминлаш, қучли давлатлар қаторидан ўрин олиш, саноатни ривожлантириш, электр қувватини ҳатто қўшни давлатларга катта миқдорда экспорт қилиш имкониятини яратди.

Испом Каримов номдаги Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

нинг ҳам имкони йўқ. Чунки сув ҳавзалари танқис, республика ҳудудидан атиги иккита йирик дарё оқиб ўтади. Демак, гидроэнергетика бўйича салохиятимиз унча юқори эмас. Географик жойлашув бунга имкон бермайди. Ҳуллас, энергия тизимининг барча йўналишидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

Мубоқил энергия манбаларига ҳам буткул ишониб қолмаслик керак. Инсоният табиий офатлардан ҳимояланмаган. 2018 йилда Японияда, 2020 йилда АКШнинг Техас штатида юз берган ҳамда миллионлаб одамларни иссиқлик таъминотидан буткул узиб қўйган энергетик локуат "яшил энергетика"-дан фойдаланишда жиддий табиий кепловлар борлигини бутун дунёга кўрсатиб қўйди.

Шундай экан, атом электр станцияси қуриш масаласидаги айрим танқидларга қўшилиб бўлмайди. АЭС йил бўйи узлуқсиз ишлашга қодир — газ ёқилмайди, об-ҳавога қаралмайди. Хом ашёсини ҳам четдан олиб келмайси. Ўзбекистон уран захира-ларига бой. Бу омил электр энергиясининг таннарихни арзонлаштиради. Шундан келиб чиқсақ, келгусида мамлакат энергия балансида атом энергетикасининг улушини 30 фоизгача етказиш мумкин.

Утган йили Ўзбекистон энергетикани "яшиллаштириш" йўлидан боришни маълум қилди. Демак, бўёғига қайта тикланувчи энергия манбаларига эътибор жиддийлашди. Чунки турли қўламдаги экологик муаммолар, табиий иқлим шароитимиз бизни барибир шунга ундайди. Авлодлар келажаги ҳақида қайғуратган Ўзбекистоннинг "яшиллаштириш"га бел болагани ижобий ҳолат.

Концепцияда белгиланган барча вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳамда энергия тежамкорлик масаласи биз учун долзарб. Ўзбекистон маҳсулот ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфи бўйича дунёдаги энг юқори кўрсаткичларга эга. Бу жиддий муаммо. Мазкур омил бартараф этилма-гунча мамлакатда электр генерацияси ҳажмини ошириш қутилган натижа бермайди. Ўзбекистонда энергетика тизимини янгилаш саноат тармоқларини технология модернизациялаш жараёни билан баравар олиб борилиши зарур. Шунда мақсадга тезроқ эришамиз.

МУЛҚЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, РЕСПУБЛИКАДАГИ ИШ БЕРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Тақсимот комиссияси 2021/2022 ўқув йили битирувчиларни иш жойлари тақсимлаш (тавсия этиш) ишларини бошлаганини билдириб, жорий йилнинг 25 апрель куни институтда иш берувчилар иштирокида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилишини маълум қилади. Шу муносабат билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикадаги барча иш берувчиларни меҳнат ярмаркасига тақлиф этамиз. Сиз ушбу ярмаркада ёш кадрларни суҳбат асосида танлаб олишга ва уч томонлама шартномалар имзолаш имкониятига эга бўласиз. Институтни 2021/2022 ўқув йилида битираётган битирувчиларнинг йўналиши ва ҳудудлар кесимидаги сони тўғрисидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз.

№	коди	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Жами битирувчилар сони	шундан:		Битирувчилар сонининг ҳудудлар бўйича тақсимоти																			
				грант	шартнома	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри						
Институт бўйича жами:				747	259	488	18	8	16	25	65	9	6	31	35	62	103	28	32	309					
шундан:				Бакалаврият (кундузги) жами:				499	122	377	9	7	11	14	47	6	1	24	26	39	74	17	22	202	
1	5111000	Қасб таълими: енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)	26	11	15	2				1	4			1	1	3	4							10	
2	5150900	Дизайн (костюм)	35	5	30					1	4			1			4								18
3	5232900	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	19	5	14	1					3	1		1			1								9
4	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)	22	6	16					1	1						4								10
5	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)	33	9	24					2	3				2	2	2	5	2	2					13
6	5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)	50	15	35	2		2	1	6	2			4	4	5	7	1	3	13					13
7	5320400	Кимёвий технология (тўқимачилик саноати)	31	6	25	1		1		1				2	1		5	1	2	17					17
8	5320400	Кимёвий технология (қоғоз саноати)	15	3	12					2	2	1		1			1			8					8
9	5320800	Матбаа ва қадоклаш жараёнлари технологияси	19	4	15	1				1	1			1			4	1	1	10					10
10	5320901	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ингизрилган ип ишлаб чиқариш)	14	4	10					1					1	1	2	1	1	7					7
11	5320902	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш)	21	5	16						4				2	2	5	3	5	11					11
12	5320903	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)	22	6	16					2	2				1		4	3	1	1					5
13	5320904	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима)	18	4	14			2		2				1	2		2	3		6					6
14	5320905	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)	24	7	17	1		2		4				1		4	2	1	1	8					8
15	5320906	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери (қорақўла) ва мўйнага ишлов бериш)	9	4	5					1	2	1		1		1	1			2					2
16	5320907	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари)	14	4	10									2	1	1	1			9					9
17	5321200	Табиий тоғларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)	35	9	26			1	2	3	2			4	1	7	4	1	1	9					9
18	5321501	Технологиялар ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, қорақўла)	13	3	10									1	4	1	1	1	6						6
19	5321502	Технологиялар ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-ағторлик маҳсулотлари)	11	2	9	1					1			2		1	1		5						5
20	5322000	Пахта ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси	21	3	18						4			1	2	6	3			5					5
21	5610600	Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)	24	2	22					1	2			1	2	2	2	2	3	13					13
22	5640100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	23	5	18						1			2	2	9	1	1	8						8
II Магистратура жами:				197	137	60	8	1	4	10	12	2	3	4	6	22	25	9	3	88					
1	5A150901	Дизайн (костюм дизайни)	17	4	13						1	2			2	4	1		7						7
2	5A230401	Маркетинг (тўқимачилик ва енгил саноат)	11	1	10					2					2	2	4	1	7						7
3	5A310902	Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)	12	10	2	1					1			1		1	1		6						6
4	5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)	9	3	6	1					2			1					5						5
5	5A320310	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари	18	17	1			1		2	2</														

Фестиваль



САНЪАТ ВА НАФОСАТ АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академиясининг энг йирик ва бетакрор мегалойҳаси — Халқаро анъанавий тасвирий ва амалий санъат фестивали бошланди. Унда нафис санъат ихлосмандлари, пойтахт меҳмонлари, моҳир рассом ва ҳунармандлар, ижодкор ёшлар қатнашмоқда.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда маданият ва санъат ривожига, ёш иқтидорлар тарбиясига берилган эътибор мазкур фестивалда ҳам намоён бўлаётгани таъкидланди.

Фестиваль давомида юртимиз ва жаҳоннинг таниқли рассомлари, ёш ижодкорлар ўз асарларини кенг жамоатчиликка тақдим этяпти. Узаро мулоқотлар янги гоёларнинг тугилишига, янги тасвирий санъат намуналари яратилишига туртки бўлмоқда.

Бундай нуфузли нафосат анжумани Ўзбекистонда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилаётгани бизни жуда ҳайратлангирмоқда ва ҳавасмизни келтирмоқда, — дейди Жанубий Кореянинг Кемён университети халқаро ишлар бўйича проректори Ким Сон Чжон. — Бу Ўзбекистонда ёш иқтидорларни кашф этишга эътиборнинг яна бир юксак ифодасидир.

Фестиваль доирасидаги тадбирлар бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида старт олди.

«Халқ сўзи».



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



...Жузқудуқ овули туман маркази — Учқудуқ шаҳридан 65 километр шарқда жойлашган. «Обод қишлоқ» дастури доирасида унга элтувчи йўл таъмирланиб, овулнинг ички кўчалари асфальтлаштирилди. Шунингдек, қишлоқдаги 2-умумтаълим мактаби ҳамда мактабгача таълим муассасаси филиали замонавий лойиҳа асосида бунёд этилиб, қишлоқ врачлик пункти капитал таъмирланди. Сал ичкарида эса эски боғча биноси олди оиллага уй-жой учун мослаштирилиб, кўркам кўринишга эга бўлди.

Ҳар йили овулдошларимиздан кимдир кўчиб кетар, уларнинг уй-жойлари бузилиб, сотилар эди, — дейди «Жузқудуқ» овул фуқаролар йиғини раиси Майрамгул Жолғасбоева. — Мана, уч йилдан бери ҳеч ким кўчгани йўқ. Кўриб турибсиз, одамларимиз уй-жойларини таъмирлаб, ободонлаштирмоқда. Бу қишлоқдошларимизда эртанги кунга ишончи ортгани, давлатимиз кўрсатаётган гамхўрлик туфайли уларнинг ҳаётий муаммолари бартараф этилаётганидан далолат.

Фуқаролар йиғини раисининг эътирофида заррча муболага йўқ. Боиси шу пайтга қадар бу ерларга тараққиёт ютуқларидан фақат электр энергиясигина келтирилганди, холос. Бугун Жузқудуқда 12 каналдан иборат рақамли телевидение эфирлари йўлга қўйилган. Узққ йиллар амалда бўлган рақия алоқаси ўрнини замонавий мобил алоқа тармоғи эгаллади. Натижада овул интернетга, мактаб эса «ZiyoNet» тармоғига уланди. Дарвоқе, овулда фойдаланишга топширилган мактаб ва мактабгача таълим муассасалари мелидан тортиб ўқув жойларига, уйинчогидан идиш-товоғига

тегишли қароридан кўзда тутилган имтиёزلарнинг қўлланиши мактабга тўрт. Оилавий шифокор пунктига икки, МТМга бир нафар олий маълумотли мутахассис четдан ишга келишига, қишлоқдаги оилалар сони ошишига имкон берди.

...Учқудуқ туманидаги Қулқудуқ овулидан ўз ташвишига ечим истаб чиққан фуқаро Навоий вилоят марказига келиб-кейтиш учун қарийб 800 километр йўл босиб, камида уч кун вақт ва 150 — 200 минг сўмгача маблағ сарфлаши лозим.

— Биргина мисол, ҳудудимизда истиқомат қилаётган ёшлар оила қуришдан олдин ОИТС лаборато-

рияси таҳлилидан ўтиш учун Навоий шаҳрига бориб келар эди, — дейди «Қулқудуқ» ОФЙ раиси Сейит Юсупов. — Мана, ҳозир шундай лаборатория Зарафшон шаҳрида ишлаб турибди. Ёки бўлмаса, скрининг таҳлилини олайлик. Мобиль давлат хизматлари ҳам

шундай йўлга қўйилди. Яна бир гап, илгари овулларда врач, ўқитувчи етишмасди. Шароит ва имтиёз берилгач, улар ҳам келди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида Қулқудуқда аҳолининг 134 та хонадони, мактаб, боғча ва овул шифохонаси тўлиқ таъмирланиб, маҳалла гузари, спорт майдони, болалар уйин майдони ҳамда ҳаммом янгидан қурилди. Шунингдек, овулга элтувчи ва ички 21,7 километр автомобиль йўллари, 5,5 километрлик ичимлик суви тизими, 15,7 километрлик электр энергияси тармоғида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Аҳолининг газ таъминотидаги эҳтиёжлари эса тўлиқ ўрганилиб, қўшимча газ бал-

лонини ҳамда газ плиталари тарқатилди.

— Учқудуқ туманида 8 та маҳаллада суюлтирилган газ таъминоти йўлга қўйилган, — дейди «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиали матбуот хизмати раҳбари Зебо Кутлиева. — Жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмолчиларга 92,5 тоннадан зиёд суюлтирилган газ етказилди. 2021 йилда туманининг олис овулларидида истеъмолчиларнинг таъминоти автоматлаштирилган тизимга ўтказилиб, харид учун ID-карталар берилди.

Қизилқумда аҳоли бандлиги ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Худуд хом ашё ресурсларига бой бўлса-да, транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларидан олислиги сабаб ушбу кенгликларда кичик ишлаб чиқаришга асосланган тадбиркорлик ривож топмас эди. 2017 йил 29 сентябрдаги «Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Қонимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори бу муаммоларга қайсидир маънода барҳам берди. Мазкур ҳудудларда мавжуд табиий хом ашё, меҳнат ва ишлаб чиқариш захираларини жалб қилган ҳолда ишлаб

чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш ривожланмоқда. Мисол учун, Учқудуқда иш бошлаган «Green Group Uchquduq» хусусий корхонаси енгил саноат маҳсулотлари чиқиндиларидан декоратив гипс (девор безаклар) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиб, ҳудудда рақобат муҳити яратилди.

— Туманимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб, ҳудудда ишбилармонлик учун қулай шартнозалар яратилди, — дейди Учқудуқ тумани ҳоқими ўринбосари Отабек Рамазонов. — Ўзлаб тадбиркорларимиздан ташқари мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ўнга яқин юридик мақомдаги субъектлар туманимизда иш бошлагани эътиборга молик. Мазкур корхоналар томонидан йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ички истеъмол бозоримизда соғлом рақобат муҳитини яратиб, нарх-наво арзонлаштиши ва барқарорлигида ҳам акс этмоқда. Масалан, «Ишонч Феруз» МЧЖ томонидан шлакболок ва профнастил шифер ишлаб чиқаришининг ўзлаштирилиши (илгари Зарафшон ва Навоий шаҳридан келтирилган) мазкур маҳсулотларнинг нархини 10 — 15 фоизга арзонлаштирди. Таъкидлаш жоизки, бу, энг аввало, янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

...Қизилқумликлар мамлакатимиз ва ўзлари ҳаётидаги сўнгги янгилашилари табиатнинг уйғониши, кўкларнинг иноятига ўхшатилади. Боиси кўклам чўлга ҳар сафар олам-олам қувонч олиб келади. У баҳорнинг барча байрам шодликларига уйғунлашиб, қишдан хориган дилларга ажиб бир хушнудлик улашади. Олам яна яшил эканлигини кўз-кўз этиб, бийдай чўлдан гўзаллик топаётган кўнгилларни тоғдек кўтаради. Шу гўзаллик ардоғида она юртга муҳаббат гоҳи аён, гоҳи пинҳон улғаяди, улғаяверади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА САФАРИ БОШЛАНДИ

Халқимиз учун эзгулик, мурувват ва меҳр-оқибат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш мақсадида жорий йил 20 апрелдан 2 майга қадар ўзбекистонлик бир гуруҳ имом-хатибларнинг Америка Қўшма Штатларига ташифи ташкил этилмоқда.

Биз ва жаҳон

Мамлакатимизнинг АҚШдаги дипломатик вазокатхонаси ташаббуси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу ташир-фуқаро доирасида имом-хатиблар юртдошларимиз истиқомат қилаётган ҳамда таҳсил олаётган Американинг 6 та шаҳрида бўлади. Хусусан, 20 апрель кунин Вашингтон шаҳрига, 21 апрель кунин Филаделфияга, 22 апрель кунин Нью-Йоркка, 23 апрель кунин Цинциннатига, 24 апрель кунин Чикагога, 25 апрель кунин эса Орландога ташир-фуқаро бўлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакилларининг ватандошлар, миллий диаспоралар етакчилари билан учрашувлари ҳамда маҳаллий масжидларда ислом динининг қадриятлари, радикализмга қарши

курашиш, АҚШда яшовчи ўзбек ёшлари ўртасида экстремистик гоёлар тарқалишининг олдини олиш ҳақида маърузалар билан чиқишлари кутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон имом-хатибларининг АҚШ расмий, диний ва жамоат доиралари вакиллари иштирокидаги конферецияларга ифторлик, шунингдек, юртдошларимиз ташаббуси билан қурилган масжидларнинг тантанали очилиш маросимларида иштирок этиши ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистонлик имом-хатибларнинг АҚШга ташир-фуқаро доирасида АҚШ Давлат департаменти, Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ комиссиясида учрашув ва музокаралар ўтказилиши кутилаётди. Шунингдек, америкалик эксперт ва жамоат-

чилик доираларини Ўзбекистонда диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш учун амалга оширилган ишлар ҳақида хабардор қилиш мақсадида АҚШ Тинчлик институти таҳлил марказида брифинг уюштириш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистонлик имом-хатиблар АҚШнинг Шарқий қирғоғида жойлашган, Америка мусулмонларининг асосий ибодат маскани ва Виржиния штатидаги 5000 дан ортиқ оилаларга хизмат кўрсатувчи АДАМС марказига боради ҳамда ушбу марказ билан ислом асослари ва араб тилини ўрганиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилади. Ушбу кенг қамровли ташир-фуқаро давомида икки давлат диний идораларининг вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, академик алоқаларни кучайтириш, араб тилини ва ҳадис илминини ўқитиш борасида фикр алмашиш, америкалик зиёрат саёҳатчиларининг Ўзбекистонга сафарларини муҳокама қилиш ҳам кўзда тутилган.

«Дунё» АА. Вашингтон

ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Саноат чиқиндиларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида

«Yangi Angren IES» акциядорлик жамияти 2-КҚО (кул-қурум омбори) микросфераси (енгил фракцияли кул чиқинди) бўйича ягона харидорни аниқлаш учун танлов ўтказди. Бошланғич қиймати 1 200 000 сўм/тн.

2-КҚО (кул-қурум омбори) микросферасини (енгил фракцияли кул чиқинди) амалга ошириш шартлари ва маълумотларни корхонанинг расмий электрон веб-сайтидаги эълондан ёки қуйида кўрсатилган телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин:

99-786-44-50, 71-236-14-12, 71-236-60-84. «Yangi Angren IES» АЖ маъмурияти.

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8,4 кВт.

Ёнгинга хавфсиз, кучлиниш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номуносивлиги).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоятининг Косон (1-лот), Чироқчи (2-лот) туманларида ҳамда Сурхондарё вилоятининг Бандихон ва Қизилқум (1-лот) туманларида маъиший чиқиндиларни тўплаш, ташвиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан икки босқичли тендернинг биринчи босқичи (такроран) бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер голибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда,

100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: 71- 207-07-70 (1072#, 5003#), 99- 016-17-56.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоятининг Касби (3-лот), Қарши (4-лот), Миришкор (5-лот), Муборак (6-лот) ҳамда Шаҳрисабз (7-лот) туманларида маъиший чиқиндиларни тўплаш, ташвиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан бир босқичли тендер (такроран) бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва тижорий (молиявий) тақлифларни ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер голибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда,

100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: 71- 207-07-70 (1072#, 5003#), 99- 016-17-56.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларсиз), 2022 йилнинг 23 май соат 18.00 га (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича голибини аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг eco.gov.uz ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг pppda.uz расмий веб-сайтидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 448. 31 726 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.08 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6